

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗАРИПОВА ДИЛНОЗА ЯШИНОВНА

**ПЕРИМЕНОПАУЗАЛ ДАВРДАГИ АЁЛЛАРДА ОСТЕОПОРОЗНИ
БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Зарипова Дилноза Яшиновна

Перименопаузал даврдаги аёлларда остеопорозни башорат қилишнинг
замонавий жиҳатлари3

Зарипова Дилноза Яшиновна

Современные аспекты прогнозирования остеопороза у женщин в
перименопаузальном периоде.....23

Zaripova Dilnoza Yashinovna

Modern aspects of predicting osteoporosis in women in the perimenopausal
period.....44

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published work.....47

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЗАРИПОВА ДИЛНОЗА ЯШИНОВНА

**ПЕРИМЕНОПАУЗАЛ ДАВРДАГИ АЁЛЛАРДА ОСТЕОПОРОЗНИ
БАШОРАТ ҚИЛИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib.1119 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bsmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Туксанова Дилбар Исмаиловна
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Шалина Раиса Ивановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Рузиева Нодира Хакимовна
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли Илмий кенгашнинг 20 ____ йил « ____ » _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№125 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Навоий кўчаси, 1-уй. Тел./факс: (99865) 223-00-50, Веб-сайт: www.bsmi.uz, E-mail: buhme@mail.ru).

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ куни тарқатилган.
(2021 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Д.Т. Ходжиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

С.С. Пўлатов
Илмий даражалар берувчи берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Г.А. Ихтиярова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё бўйича перименопаузал даврда остеопорознинг учраши аёллар орасида энг кенг тарқалган гинекологик патологиялардан бири бўлиб, сўнгги йилларда бажарилаётган кўплаб илмий тадқиқотлар ушбу патологиянинг олдини олиш, юқори хавф гуруҳларини аниқлашга бағишланмоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра «...перименопаузал ёшда остеопорознинг учраши гинекологик касалликлар орасида 30,5–33,1 фоизни ташкил қилади...»¹. Бугунги кунда перименопаузал даврда остеопороздан азият чеккан 50 ёшдан катта аёллар орасида биокимёвий маркерларнинг ўрни ва уларнинг стероид гормонлар билан ўзаро боғлиқлигини ўрганиш, жумладан, қондаги метаболик ва гормонал бузилишларнинг патогенетик жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш орқали аёлларни даволаш ечими топилиши талаб этиладиган жиддий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳон миқёсида перименопаузал даврда остеопорознинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, унинг кечиши ва уни даволаш тактикаси натижалари бўйича юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, перименопауза остеопорозига эрта ташхис қўйишда аёлларда қон зардобининг оптик зичлиги ўрнини ўрганиш ва баҳолаш, аёллар орасида остеопороз ривожланишининг хавф омилларини аниқлаш, перименопауза даври асоратларини эрта ва аниқ ташхислаш усулларини ишлаб чиқиш, ушбу даврдаги аёлларда остеопороз ривожланишини эрта босқичларда аниқлашда биокимёвий маркерларнинг ўрни ва уларнинг стероид гормонлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш, перименопаузал остеопороз билан касалланган аёллар орасида ногиронлик ҳамда ўлим ҳолатларини камайтириш учун замонавий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда тиббий хизмат кўрсатишни янги даражага кўтариш, остеопороз асоратларидан келиб чиқадиган ногиронликни камайтириш мақсадида остеопорозни эрта ташхислаш ва даволаш, профилактика чора-тадбирлари борасида мақсадли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу борада соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларда «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан, аҳолига тиббий

¹Mandema J.W., Zheng J., Libanati C., et al. Time course of bone mineral density changes with denosumab compared with other drugs in perimenopausal osteoporosis: a dose-response-based metaanalysis. J Clin Endocrinol Metab. 2020 Oct; 99(10):3746- 3755. doi: 10.1210/je.2013-3795

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, айниқса, перименопауза давридаги остеопороз касаллигини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини яхшилаш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллаш, аёлларда ногиронлик ва ўлим кўрсаткичларини камайтириш, касаллик келтириб чиқарувчи омилларни ташхислаш ва даволашга янгича ёндашувлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сонли «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, 2020 йил 10 ноябрдаги ПҚ-4887-сонли «Аҳолининг соғлом овқатланишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сонли «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон миқёсида ҳозирга қадар олиб борилган илмий тадқиқотлардан олинган натижалар шуни кўрсатадики, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) тадқиқотларига кўра, остеопороз ижтимоий-иқтисодий ва тиббий параметрлари бўйича юрак-қон томир касалликлари, онкология касалликлари ва қандли диабет касалликларидан кейин тўртинчи ўринни эгаллайди (Мельниченко Г.А., Белая Ж.Е., 2019; Brown J., Prince R., 2019; Cummings S.R., Black D.M., 2020). Денситометрик текширувда остеопороз 50 ёш ва ундан катта ҳар учинчи аёлда ва ҳар бешинчи эркакда аниқланади, бу умумий миқдорда 10 миллиондан ортиқ инсонни ташкил этади. Остеопорознинг тиббий аҳамияти унинг ногиронлик ва ўлим ҳолатлари юқорилигига сабаб деб ҳисобланадиган умуртқа танаси ва скелет суяқларининг синиши кўринишидаги оғир оқибатлари билан изоҳланади (Глеболева Л.А., 2017, Nayak S., 2018, Mamedova G.B., 2019).

Шаҳар аҳолиси орасида 40–45 ёш ва ундан катта ҳар тўртинчи аёлда ҳеч бўлмаса бир маротаба синиш кузатилганлиги аниқланган. Остеопорознинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти, энг аввало, соғлиқни сақлаш тизимида остеопоротик синишларни даволаш учун сарфланадиган улкан харажатлар билан боғлиқ (Ершова О.Б., Белова К.Ю., 2019; Lenchik L., Rogers L., 2020). Остеопорознинг тиббий аҳамияти ногиронлик ва ўлим сабабларидан бири ҳисобланган умуртқа танаси ва скелет суяқларининг синиши кўринишидаги оғир оқибатлари билан изоҳланади (Алиева Д.А., 2020; Рустамова У.М., 2015).

Қон зардобининг морфологик параметрлари организмнинг гомеостаз чидам-лилик даражасини аниқлаш, минералга тўйинганлигини баҳолашда патоло-гик ўзгаришлар белгисини акс эттиради (Добровольская О.В., 2016; Мирзаева Ю.К., 2017).

Сўнгги йилларда перименопауза давридаги аёллар қон зардобининг оптик хоссалари, молекулалар тузилиши, молекулалар орасидаги алоқага боғлиқ ва гуморал тизимларнинг физик-кимёвий ўзгаришларини ўрганиш касалликнинг бошланишини ёки профилактик терапияни ўз вақтида аниқлаш имконини беради (Юлдашева А.С., 2020; Евстигнеева Л.П., 2021). Остеопороз келиб чиқиши патогенезида метаболик ва гормонал бузилишлар, кальцийни етарли миқдорда қабул қилмаслик, Д витамин танқислиги, алкоғол маҳсулотларини меъёридан ортиқ истеъмол қилиш, паст жисмоний фаоллик муҳим рол ўйнайди (Лесняк О.М., Торопцова Н.В., 2017; Adachi J.D., Agnusdei D., 2018; Kanis J.A., Burlet N., 2019). Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, биокимёвий маркерлар ва стероид гормонлар етишмовчилиги, организмдаги метаболик ўзгаришлар, ген полиморфизмларининг перимено-пауза даврида аёлларда остеопорозни келтириб чиқаришдаги роли ўрганил-ган (Алиева Д.А., Абдиева М.А., 2021). Мамлакатимизда перименопауза дав-рида аёлларда остеопорознинг клиник белгилари, уларни текширув усуллари ва даволашга бағишланган қатор тадқиқотлар амалга оширилган (Негматул-лаева М.Н., 2019; Азизова Г.Ж., 2019; Абдиева М.А., 2021). Шунингдек, ёш олимларнинг тадқиқотларида перименопауза даврида остеопороз билан асо-ратланган аёллар саломатлигига эътибор қаратилиб, уларга давлатимиз томо-нидан кўрсатилаётган юксак эътибор натижаси тиббий ва ижтимоий жиҳат-дан таҳлил этилган. Шу билан бирга, кузатувлар Бухоро вилояти ҳудудида аёллар орасида остеопорознинг учраши ҳамда уни самарали ва иқтисодий қулай ташхислаш усуллари ўрганилмаганлигидан далолат бермоқда. Бу эса ушбу йўналишдаги тадқиқотларни амалга ошириш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эгалигини кўрсатади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация иши Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институтининг “Бухоро ҳудуди иссиқ иқлими шароитида организмнинг пато-логия олди ва патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш (2017–2021 йй.)” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Перименопауза даврида аёлларда остеопороз-ни башорат қилиш ва унга эрта ташхис қўйишда қон зардобининг оптик зичлиги, биокимёвий маркерларнинг ўрнини аниқлаш ва баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

перименопауза даврида остеопорозга эрта ташхис қўйишда аёллар қон зардобини оптик зичлиги аҳамиятини баҳолаш;

перименопауза давридаги аёлларда остеопороз ривожланишининг эрта босқичларида биокимёвий маркерларнинг ўрни ва уларнинг стероид гормонлар билан ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

остеопороз ривожланишининг истикболини белгилашда перименопауза даврида метаболик ва гормонал бузилиш параметрларига асосланган мезонларни ишлаб чиқиш;

перименопауза давридаги аёлларда остеопорознинг бирламчи профилактикаси учун гормонал ва метаболик терапияни ўтказиш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объектини перименопауза даврида остеопороз ривожланиши хавф омиллари бўлган 121 нафар аёл ташкил қилди. Барча аёллар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) Бухоро филиали ва Бухоро вилоятининг перинатал марказида текширувдан ўтказилди.

Тадқиқотнинг предмети. Қон зардоби оптик зичлиги ва минерал алмашинув кўрсаткичларини ўрганиш учун аёллардан олинган қон намуналари, ультратовушли денситометрия натижаларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда умумий клиник-лаборатор, функционал-диагностик текширишлар (УТТ текшириш), биокимёвий, гормонал, статистик тадқиқот усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

перименопауза давридаги аёлларда ўзига хос ривожланишни аниқлашда қон зардобининг оптик зичлигини тавсифловчи, фациялар морфологик тузилмалари таркибининг ўта паст даражага эга бўлиши, радиал симметрияли тасвирларнинг кузатилмаслиги ва денситометрик кўрсаткичлар BMD (суякнинг минерал зичлиги), BMC (суяк таркибидаги минерал моддалар миқдори), суяк юзасининг майдони, T-score ва Z-score суяклар минерал зичлигининг пасайиши орқали намоён бўладиган клиник белгилар аниқланган;

перименопауза даврида остеопороз ривожланган аёлларнинг қонида эстрадиол, прогестерон гормонлари миқдорининг камайиши, ФСГ гормонининг ошиши сабаб биокимёвий маркерлар, магний, кальцийнинг камайиши, ишқорий фосфатазанинг қондаги миқдори кўпайиши ва улар орасидаги ўзаро боғлиқлик ўрганилган;

перименопауза даврида қоннинг оптик зичлиги, биокимёвий маркерлар, ишқорий фосфатаза, эстрадиол, прогестерон, магний, кальций элементларининг камайиши, денситометрия параметрлари ва ФСГ пасайиши остеопорознинг ривожланишига олиб келиши асосланган;

перименопауза даврида остеопороз билан асоратланган аёлларда қоннинг оптик зичлиги, денситометрия ва гормонал, биокимёвий кўрсаткичлар мониторинги асосида остеопороз билан асоратланган аёлларга қараш, ўтказилаётган терапия самарадорлигини баҳолаш ва даволашнинг оптимал муддати ҳамда усулини танлаш тактикаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

аёлларда перименопауза даврида остеопорознинг олдини ўз вақтида олиш мақсадида остеопороз ривожланишини башорат қилишга қаратилган

бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор текширув стандарти ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

қоннинг оптик зичлигини аниқлаш усулидан фойдаланилганда перименопауза даврида остеопороз ҳосил бўлиш хавфи бўлган гуруҳлар аниқланиб, унинг ривожланишининг эрта босқичларида белгилар пайдо бўлгунига қадар тузатиш имконини берадиган услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

Лензетто спрейи билан гормонал терапия минераллар ва эстрадиол танқислиги оқибатида юзага келиши мумкин бўлган атравматик синишларнинг олдини олиши илмий асосланиб кўрсатиб берилган;

қон зардоби оптик зичлигининг биокимёвий ва денситометрик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги мазкур патологияга эрта ташхис қўйиш ва унинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини прогноз қилиш имкониятини намоён қилади. Остеопороз ривожланиши, унинг асоратлари хавфини камайтириш учун гинекологик тактикани танлашга кўмаклашувчи тўғри даволаш-профилактика чоралари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда замонавий усуллар ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, умумклиник, биокимёвий, статистик тадқиқот усуллари асосланилганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққосланганлиги, ҳулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги ва натижаларнинг ишончлилиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти перименопауза давридаги аёлларда қон зардоби оптик зичлиги, минерал алмашинуви ва гормонал функцияларнинг башорат қилишдаги қиймати аниқлангани, остеопорознинг олдини олиш учун минерал алмашинув бузилишларининг маркерларидан фойдаланиш самарадорлиги баҳоланганлиги, аёлларнинг ушбу тоифасида ишлаб чиқилган профилактик терапиянинг самарадорлиги исботлангани, шунингдек, коррекцияловчи терапияни ишлаб чиқиш аёллар организмининг ўрганишга доир акушерлик ва гинекология соҳасидаги илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиши, олинган натижалар назарий ва амалий тиббиётда янги жиҳатларни аниқлаш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган натижалар, қон зардоби оптик зичлигини аниқлаш усули ёрдамида перименопауза давридаги аёлларда остеопороз шаклланиш хавф гуруҳи аниқланганлиги, Лензетто спрейи билан гормонал терапия минераллар ва эстрадиол танқислиги билан боғлиқ атравматик синишларнинг олдини олиши, қон зардоби оптик зичлиги билан биокимёвий ва денситометрик кўрсаткичлар ўртасида ўзаро боғлиқлик аниқланганлиги, ушбу патологиянинг клиник ўзига хос хусусиятларини башорат қилиш ва аёлларнинг мазкур тоифасида остеопороз ривожланиш хавфини камайтириш учун профилактик даволаш усулини ишлаб чиқиш,

касалликни вақтида ташхислаш, ўз вақтида коррекцияловчи терапия ўтказиш даволаш самарадорлигини ошириши, аёл организмнинг соғлом ўсишини, ақлий ва интеллектуал салоҳиятини кўтариши, унинг ҳаёт сифатини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Перименопауза давридаги аёлларда остеопорознинг эрта диагностикасини прогноз қилишда қон зардоби оптик зичлиги ва биокимёвий маркерларнинг ўрнини аниқлаш ва баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Климаксга ташхис қўйиш самарадорлигини аниқлаш усули” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 5 мартдаги 8н-р/175-сонли маълумотномаси);

“Перименопауза остеопорозини прогноз қилиш ва олдини олиш мезонлари” номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 11 июндаги 8н-р/481-сонли маълумотномаси). Бу услубий тавсиялар климактерик ёшдаги аёлларда остеопорозни ўз вақтида аниқлаш, беморларнинг ушбу контингентда атравматик синишлар даражасини қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот давомида касалликни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ошириш борасида олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Бухоро вилоят перинатал маркази, Шофиркон туман тиббиёт бирлашмаси марказий поликлиникаси ва Бухоро шаҳар 3-сон оилавий поликлиникасида клиник амалиётга жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 8н-д/120-сонли маълумотномаси). Амалиётга татбиқ этилган натижалар остеопороз билан асоратланган аёлларда касалликни даволаш ва ташхислаш сифатини яхшилаш, касалликнинг асоратлари учраши ҳамда аёллар ўлими сонини қисқартириш, даволаш харажатларини камайтириш ва беморлар ҳаёти сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та, жумладан, 4 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 29 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хотима, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 117 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифлан-

ган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Перименопауза давридаги аёлларда кечувчи остеопорозни клиник, диагностик, даволаш ва олдини олиш чораларининг замонавий жиҳатларини асослаш»** деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Перименопаузал даврдаги аёлларда остеопорознинг тарқалиши, хавф омиллари ва клиник белгилари, остеопорозни ташхислаш – инструментал ва лаборатор текшириш усуллари, даволашнинг замонавий усуллари ва перименопаузал остеопорознинг олдини олиш чоралари ва башорат қилиш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг **«Перименопауза давридаги аёлларда остеопорозни башорат қилишнинг замонавий жиҳатлари бўйича тадқиқот материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида ишда қўлланилган асосий текширув материаллари ва усуллари баён этилган. Мазкур диссертация ишининг мақсади ва вазифаларини бажариш учун 2019–2021 йилларда перименопауза даврида остеопороз ривожланиши хавф омиллари бўлган 121 нафар аёл ўрганилди. Барча аёллар Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) Бухоро филиали ва Бухоро вилоятининг перинатал марказида текширувдан ўтказилди. Текширилганларнинг ўртача ёши 46,9 ёшни ташкил этди. Текширилган беморларнинг ярмидан ортиғи (57,9%, n=70) қишлоқ аёллари бўлиб, қолган беморлар эса (42,1%, n=51) шаҳарда доимий яшаб келган. Текширилганларга қуйидаги ташхислар қўйилди: менструал циклниң бузилиши – 19,8% (n=24); бел-думғаза радикулити – 10,7% (n=13); аномалияли бачадондан қон кетиши – 23,1% (n=28); дисфункцияли бачадондан қон кетиши – 20,7% (n=25); қовурғалар орасида невралгия – 9,9% (n=12); ўткир метроэндометрит – 3,3% (n=4).

Перименопауза давридаги текширилган аёлларда кўпинча турли даражадаги анемиялар аниқланди (36,4%, n=14). Учраш частотаси бўйича кейинги ўринларда артерияли гипертензия (16,5%, n=20), ОИТ касалликлари (15,7%, n=19), бачадон миомаси (11,6%, n=14), ЮТТ касалликлари (9,9%, n=12), ЮҚТ касалликлари (8,3%, n=10) бўлди.

Текширилган беморларнинг клиник характеристикаси беморлар шикоят, жумладан, уларда оғриқлар мавжудлиги белгиланмаганида тўлиқ бўлмас эди. Қорин ости оғриқлари 29 нафар (24,0%) аёлда, бел соҳасидаги оғриқлар 17 нафар (14,1%) аёлда аниқланди. Қолган 75 нафар (61,9%) аёлда бемор шикояти сифатида оғриқлар аниқланмади. Бундан ташқари, кам сонли аёллар (18,2%, n=22) жинсий йўллардан қон кетиши ҳақида шикоят қилишган бўлса, текширилган беморларнинг маълум қисми жинсий йўллардан мазок кўрини-

шидаги ажралмалар ҳақида шикоят билдиришди (3,3%, n=4). Текширилган барча беморлар орасида аборт 19 ҳолатда (15,7%), муддатидан аввал туғруқлар 7 ҳолатда (5,8%), ўлик бола туғилиши 4 ҳолатда кузатилиб, улар жами текширилганларнинг 3,3% ини ташкил қилди. Таъкидлаш жоизки, текширилган аёлларда ўз вақтида бўлган туғруқлар 292 ҳолатда кузатилган бўлиб, бу ўртача ҳар бир текширилувчига 2,4 туғруқдан тўғри келади. Текшириш давомида аёллар, асосан, трансдермал спрей, БИВдан, айрим ҳолатларда ОК, ИК ва календар усулларидадан фойдаланишган.

Текширилган барча аёллар (n=121) олинган параметрларни таққослаш ва ишончли маълумотларни олиш учун 3 гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ – перименопауза даври физиологик кечган аёллар (n=41); 2-гуруҳ – дори-дармон билан профилактик даво олмаган, остеопорознинг клиник белгилари намоён бўлган аёллар (n=40); 3-гуруҳ – скрининг-тадқиқот ва профилактик даво қўлланилган, остеопорознинг эрта клиник белгилари мавжуд бўлган аёллар (n=40). Касаллик профилактикаси ва даволовчи терапияси 3 ой давомида тирсак соҳасига 1 дозада сепиладиган Лензетто трансдермал спрей препарати, кунига 1 таблеткадан кальций Д3, ҳафтасига 1 марта 70 мг алендрон кислота қабул қилишдан ташкил топди.

Текширилган барча гуруҳларда кишлоқ аёллари шаҳар аёлларидан кўпроқ бўлди, мос равишда 1-гуруҳда – 53,7% (n=22) ва 46,3% (n=19); 2-гуруҳда – 55,0% (n=22) ва 45,0% (n=18) ва 3-гуруҳда – 65,0% (n=26) ва 35% (n=14). Гуруҳлар ўртасида ёши ва яшаш жойи борасида сезиларли фарқ йўқлиги кўриниб турибди, бу беморлар тўғри танланганлиги ва гуруҳларнинг репрезентативлигидан дарак беради. Бошқа клиник характеристикалар – ташхис, ёндош касалликлар, шикоятлар, паритет ва контрацепция усуллари бўйича ўзаро яқин кўрсаткичлар олинди.

Текширилган барча аёлларда клиник, клиник-ускунавий ва лаборатория тадқиқотлари ўтказилди. Биокимёвий маркерлар (периферик қонда кальций ва ишқор фосфатаза миқдори) ва гормонлар (эстрадиол) аниқланди. Текширилган барча беморларда (n=121) ультратовушли остеоденситометрия ўтказилди.

Бир вақтнинг ўзида касаллик тарихи, анамнез ва объектив тадқиқот маълумотлари, лаборатория ва ускунавий текширув усулларида натижалари ўрганилди. Анамнестик маълумотлар шикоятлар, ирсий ва оилавий анамнезнинг ўрганилиши, экстрагенитал патология, гинекологик касалликлар, операциялар мавжудлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олди. Менструал ва генератив функция батафсил ўрганилди. Жинсий дебют, паритет, ҳомиладорликнинг кечиши ва якунлари ҳақида маълумотлар аниқланди. Беморлар кўрикдан ўтказилганида антропометрик кўрсаткичлар ўлчанди, тана тузилишининг тури аниқланди, аъзо ва тизимларнинг ҳолати баҳоланди. Олинган барча маълумотлар биз ишлаб чиққан, диссертация ишининг барча тадқиқотларида ҳисобга олинган карталарга киритилди. Ҳар бир текширувдан ўтган аёлларга биологик материаллар олиш ва шахсий маълумотларни қайта ишлашга ихтиёрий ёзма розилик олинди.

Суяк тўқимасининг минерал зичлигини биз стандарт дастур бўйича «Sonost» (Жанубий Корея, 2011) аппаратида ультратовушли остеоденситометрия (УТОД) усулида тизимли баҳоладик. Ўлчов соҳаси – тоvon (товон суяги). ЖССТ (1994) мутахассисларининг тавсияларига асосланиб, остеопороз ва остеопения ультратовушли остеоденситометрияда денситометрик кўрсаткич бўйича текширилди. Бунда, Т-мезон стандарт оғишларининг катталиги – 0,1 м гача – меъёр; Т-мезон стандарт оғишларининг катталиги – 1,0 дан – 2,5 гача – остеопения; Т-мезон стандарт оғишларининг катталиги – 2,5 ва ундан ортиқ – остеопороз. Т-мезон денситометриянинг бошқа кўрсаткичи – 1,0 дан юқори ёки унга тенг – “таъсир бор”, агар 1,0 дан паст бўлса – “таъсир йўқ”.

Бу тадқиқот учун «Human Count 3OTS/Human Count 60TS» автомат гематологик анализаторлардан фойдаланилди. Улар кичик тешик орқали ўтувчи хужайраларни ҳисоблаш учун Колтер усулини амалга ошириб, эритроцитларда гемоглобин миқдорини ўлчайди.

Ишқорли фосфатаза (ИФ) билан рНнинг 8,6 дан 10,1 оралиғида фосфор кислотаси эфирларининг гидролизловчи ферментлар гуруҳи белгиланади. Молекуляр масса ферментнинг манбасига боғлиқ равишда 70 дан 120 кДа гача ўзгаради. Спектрофотометрик кинетик усул – ИФ фаоллиги α -нафтол ажралиш тезлиги бўйича аниқланади, реакция тезлиги 5–10 дақиқа давомида 340 нм да рўйхатга олинди. ИФни аниқлаш учун “стандарт” усул сифатида IFCC ферментлар бўйича мутахассислар комиссияси буфер аралашма сифатида диетаноламин ва 4-НФФ билан қўлланиладиган усулни тавсия этишади. Кальцийни қон зардобиди аниқлаш учун беморларда колориметрик фотометрик усулдан фойдаланилди.

Қон зардобининг оптик зичлиги В.Н.Шабалин ва С.Н.Шатохина (1990) усулларида аниқланди. Таклиф қилинган биологик суюқликларни ўрганиш усули молекуляр бузилишлар даражасида патологик ҳолатларни эрта ташхислаш ва ўз вақтида чора кўриш имконини беради. Ўрганилаётган гуруҳлардаги барча аёлларда уларнинг организми микроэлементлар билан тўйинганлигини баҳолаш учун бир маротаба ва динамикада зарур бўлган кузатувларда понасимон дегидратация усулида қоннинг тузилмали-оптик хоссалари аниқланди. Аёллар қон зардобини томчи шаклида 0,02 мл миқдорда буюм ойначаси юзасига сурилди, кейин 18–24 соат давомида очиқ ҳавода 18–25° даража ҳароратда қурилди. Фацияларнинг олинган намуналари (қуригандан кейин ҳосил бўлган ингичка плёнкалар) Leica MZ 12.5 микроскопи остида 10, 20, 25, 40 марта катталаштириб баҳоланди.

Аёллар қон зардобини фацияларининг тизимли тузилишига боғлиқ равишда микроэлементлар бузилиши ва остеопороз ривожланишининг бошланғич босқичларини башорат қилиш мумкин. Қуйида келтирилган суратларда турли тузилмага эга 2 та фация берилган. Улардан бири – меъёридан оғишлар бўлмаган физиологик тур. Бунда 1-расмда фациал тасвир кўплаб радиал-симметрияли шакллар, 40 дан зиёд радиал чизиқлар билан ёрқин ифодаланган. 2-расмда патологик тур берилган бўлиб, мазкур турда фациал тасвир ифодаланмаган, радиал чизиқлар йўқ.

Ўрганилаётган кўрсаткичнинг ўртача арифметик (M), ўртача квадратик оғиш (σ), ўртача кўрсаткич стандарт хатоси (m), нисбий ўлчамларини (частота, %) ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва непараметрик статистика усуллари қўлланилди. Олинган ўлчовларнинг статистик қиймати эксцесс мезони бўйича тақсимотнинг меъёрийлиги ва бош дисперсиялар тенглиги (F – Фишер мезони)га кўра ўрганилди, хато эҳтимолини (P) ҳисоблаш билан Стьюдент (t) мезони бўйича аниқланди. $P < 0,05$ ишончлилик даражаси статистик аҳамиятли ўзгаришлар сифатида қабул қилинди.



**1-расм. Тузилишнинг юқори даражаси.
Қон зардоби оптик зичлиги фациал
тасвири кўплаб радиал-симметрик
чизиқлар билан ёрқин ифодаланган тури**



**2-расм. Тузилишнинг паст даражаси.
Қон зардоби оптик зичлиги фациал
тасвири ифодаланмаган, радиал
чизиқлар билан ифодаланмаган тури**


Диссертациянинг «**Перименопауза давридаги аёлларнинг қон зардобиде гематологик, денситометрик кўрсаткичлар ва қон зардоби оптик зичлиги тузилишининг ўзига хос хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида тадқиқотнинг клиник, клиник-инструментал ва лаборатор усуллар ёрдамида текшириш натижалари берилган.

Биз ўрганилаётган гуруҳларда остеопороз ривожланишини башорат қилишда аёлларнинг қон зардоби тузилмали-оптик хоссаларини тадқиқ қилиш қийматларини ўргандик, биринчи назорат гуруҳи ва иккинчи назорат гуруҳида 1, учинчи гуруҳда эса 2 босқичли мониторинг терапиядан олдин ва кейин ўтказилди. Биринчи гуруҳда қон зардобининг тузилмали-оптик хоссалари понасимон дегидратация усули билан аниқланганида климактерик синдром ва метаболизм бузилишлари клиник белгилари бўлмаган, перименопауза даври физиологик кечган 40 нафар аёлда фацияларнинг морфологик сурати тузилиши мўътадил даражали радиал-симметрик тасвирга эга бўлди. Бу беморларда динамик кузатув вақтида перименопауза даврининг патологик кечиши белгилари қайд қилинмади. Ҳайз цикли ритмик, аёлда ҳаёт тарзининг ўзгаришига шикоят аниқланмади, иш қобилияти сақланган эди.

Иккинчи гуруҳда қон зардоби оптик зичлиги понасимон дегидратация усули билан ўрганилиганда фасцияларнинг морфологик сурати тузилмали таркибланишнинг ўта паст даражасига эга бўлди ва радиал-симметрияли тасвир кузатилмади. Бу аёлларда артериал қон босимининг даврий равишда ошиши, уйқусизлик, бўғимлар ва бел соҳасидаги оғриқлар, асабийлик, баъзан

эса кайфиятнинг кескин ўзгариши билан жиззакилик кузатилди. Юқорида келтирилган маълумотларга қарамасдан, бу гуруҳдаги аёллар мақсадли комплекс медикаментоз терапияни олишмаган.

Учинчи гуруҳга гинекологда тизимли профилактик кўрикдан ўтиб турган ва диспансер ҳисобида турган аёллар киритилди. Анкеталаш маълумотларига кўра, климактерик синдромнинг клиник белгилари – болдир соҳаси мушакларида ҳосил бўладиган оғриқлар, артерия босимининг даврий кўтарилиши, бош оғриқлари, уйқунинг бузилиши, кўп терлаш, толиқиш, менструал циклда бузилишлар аниқланди. Қон зардобининг оптик зичлиги понасимон дегидратация усули билан ўрганилганида фацияларнинг морфологик сурати тузилмали таркибланишнинг ўта паст даражасига эга бўлди ва радиал-симметрия тасвири кузатилмади (3-расм).



3-расм. Қон зардоби фациял тасвири ташкилий тузилишнинг ўта паст даражаси, радиал чизиклар мавжуд эмас

Ушбу гуруҳ аёлларига МГТ мақсадида таркибида эстроген сақловчи Лензетто трансдермал спрейи климактерик синдромни мажмуавий равишда даволаш учун қўлланилди. Ушбу дори воситаси микродозаларда, узлуксиз режимда, самарадорлик даражаси биз ўрганаётган кўрсаткичларнинг мониторинги асосида кузатилди. Мазкур дори воситасини танлашимизга сабаб шундаки, дори моддаси спрей трансдермал ҳолатда тез ва ножўя таъсирсиз организмга сўрилади ва жигар орқали метаболизмга учрамайди. 3 ойлик даволаш курсидан кейин ўрганилаётган кўрсаткичларнинг параметрлари ҳамда қон зардоби оптик зичлигининг характери такроран ўрганилди. Қон зардоби оптик зичлиги понасимон дегидратация усули билан ўрганилганда 25 нафар (62,5%) беморда фацияларнинг морфологик сурати тузилиши юқори даражаси радиал-симметрик чизикларнинг ошиши сифатида намоён бўлди. Қон зардоби оптик зичлиги натижаларидаги радиал-симметрик чизиклар сонига асосланиб, уларга МГТни узлуксиз режимда шу дозада давом эттириш тавсия этилди (4-расм).



4-расм. Кўриш соҳасида 40 дан ортиқ кўплаб радиал чизиклар билан ифодаланган фациял тасвир тузилишининг юқори даражаси

3-гурухда қолган 15 нафар аёлда (37,5%) қон зардобининг оптик зичлиги назорати ўрганилганида тузилиш ва радиал-симметрик тасвирнинг мўътадил даражага ўтиш тенденцияси аниқланди (5-расм).



5-расм. Кўриш соҳасида 25 дан ортиқ радиал чизиклар билан ифодаланган фациал тасвир тузилишининг мўътадил даражаси

Шу сабабдан аёл беморларга Лензетто препаратининг дозасини яна 3 ой давомида узлуксиз режимда 2 дозага ошириш тайинланди. Такрорий даволаш курсидан кейин қон зардобининг оптик зичлиги ўрганилди, тузилиш ва симметрия тасвирининг даражаси кўтарилиши билан унинг сезиларли даражада яхшиланиши кузатилди. Тадқиқотдан олинган натижаларни таҳлил қилиб, биз аёлларда қон зардобининг оптик тузилиши ва перименопауза даврида суяк тўқимасининг минерал тўйинганлиги бузилиши ўртасида сезиларли боғлиқлик борлигини аниқладик. Перименопауза ёшидаги аёллар қон зардобининг мос келувчи морфологик турлари аниқланганида остеопениянинг клиник белгилари намоён бўлгунига қадар босқичида унинг бошланишини башорат қилиш ва остеопорознинг профилактик давоси самарадорлигини баҳолаш имконияти яратилди.

Шундай қилиб, перименопауза ёшидаги аёлларда қон зардобини понасимон дегидратация усули билан ўрганиш асосида остеопения ва остеопорознинг бошланғич босқичларини уларнинг клиник намоён бўлишидан аввал башорат қилиш ва ўтказилган мажмуавий профилактик менопаузал гормонал терапия самарадорлигини баҳолаш мумкин.

Текширилган аёлларда ($n=121$) олинган натижалар референт маълумотлар билан таққосланиб келтирилган. Мазкур диссертация иши бўйича тадқиқот натижалари таҳлилидан аёлларнинг мазкур тоифасида гематологик кўрсаткичлар сезиларли даражада ўзгармаслиги маълум бўлди.

11 та кўрсаткичдан 5 та параметр (45,5%) референт қийматлардан ($P<0,05$) ишончли фарқ қилганлиги, улар турли йўналишларда ўзгарганлиги белгиланди. Агар қонда гемоглобин миқдори $105,24\pm 1,06$ г/л ($P<0,05$) гача ишончли пасайган бўлса, сегмент-ядро нейтрофилларнинг ($45,95\pm 0,39\%$, $P<0,05$) нисбий миқдори бўйича ҳам пасайиш кузатилди. Аёлларнинг мазкур тоифасида қондаги лимфоцитлар миқдори ҳам референт қийматларга нисбатан ($P<0,05$) $18,51\pm 0,40\%$ гача ишончли пасайди. Ақсинча, гематологик параметрларнинг ортиши СОЭ ($18,36\pm 0,49$ мм/соатгача) бўйича, таёкча ядроли нейтрофиллар ($8,65\pm 0,26\%$ гача) ортиши кузатилди. Қонда гемоглобин миқдорининг камайиши, сегмент ядроли нейтрофиллар ва лимфоцитларнинг

нисбий миқдорлари аёл организмида ҳимоя кучларининг камайганлигини кўрсатди. Агар ушбу тоифадаги аёлларда текширув вақтида йирингли яллиғланиш патологиялари бўлмаса, унда перименопауза даври организм резистентлигининг тушишига олиб келди.

Умумий гуруҳдаги каби гематологик кўрсаткичлар таҳлили тадқиқот гуруҳлари бўйича ўтказилди (1-, 2- ва 3-гуруҳлар). Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили гуруҳлар бўйича ўзгаришлар тенденцияси умумий гуруҳ билан ўхшаш эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, тадқиқот гуруҳлари ўртасида ўзгаришлар тенденцияси ҳам ўзаро бир-бирига яқин бўлди, бу танланган, таққосланаётган гуруҳлар репрезентативлигини кўрсатади. Қондаги гемоглобин миқдори текширилган барча гуруҳларда (мос равишда гуруҳлар бўйича – $102,53 \pm 2,28$ г/л; $106,13 \pm 1,27$ г/л; $107,05 \pm 1,74$ г/л) референт қийматларга нисбатан – $P < 0,05$ ишончли пасайганлиги белгиланди. Референт қийматларга нисбатан пасайган навбатдаги параметр перименопауза давридаги аёлларнинг қонида сегмент-ядроли нейтрофиллар миқдорининг камайиши бўлди. Таққосланаётган гуруҳлар ўртасида бу кўрсаткич бўйича ишончли фарқлар ($P > 0,05$) аниқланмаганлиги ўзига эътиборни қаратади. Референт қийматларга нисбатан ишончли камайган бошқа параметр лимфоцитларнинг нисбий миқдори бўлди. Мос равишда, гуруҳлар бўйича улар – $18,07 \pm 0,72\%$; $19,58 \pm 0,72\%$; $17,87 \pm 0,62\%$ ни ташкил қилди, бу референт қийматлардан ишончли кам ($P < 0,05$).

Бундан ташқари, 2 кўрсаткич – таёкча-ядроли нейтрофиллар ва СОЭ референт қийматларнинг маълумотларига нисбатан юқори бўлди ($P < 0,05$). Агар таёкча-ядроли нейтрофиллар миқдори референт қийматларнинг ($P < 0,05$) юқори чегарасидан гуруҳлар бўйича мос равишда 1,42 марта ($8,54 \pm 0,67\%$); 1,43 марта ($8,59 \pm 0,25\%$) ва 1,47 марта ($8,83 \pm 0,05\%$) катта бўлган бўлса, унда СОЭ миқдори камроқ – гуруҳлар бўйича мос равишда 1,28 марта ($19,22 \pm 1,08$ мм/соат); 1,21 марта ($18,15 \pm 0,71$ мм/соат) ва 1,18 марта ($17,71 \pm 0,68$ мм/соат), лекин ишончли ошди ($P < 0,05$).

Қолган гематологик кўрсаткичлар (эритроцит, лейкоцит, тромбоцит, эозинофил, базофил ва моноцитларнинг умумий миқдори) деярли референт қийматлар чегарасида ишончли бўлсада, лекин улардан фарқ қилди. Фақат пасайиши организмнинг заифлашувиغا олиб келувчи, организмнинг резистентлигига жавоб берувчи параметрлар заифлашганлиги белгиланди.

Тадқиқотларнинг кейинги босқичларида перименопауза давридаги аёлларда денситометрия параметрлари ва биокимёвий маркерлар ўрганилди. Олинган натижалар биокимёвий маркерлар (ишқорий фосфатаза, кальций), эстрадиол ва денситометрик параметрлар текширилганларда референт қийматлардан турли йўналишда фарқ қилганлигини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвал

Ўрганилаётган гуруҳ беморларида биокимёвий маркерлар ва денситометрик параметрлар динамикаси. n = 121.

Кўрсаткичлар	Референт қийматлар	Кўрсаткичлар, n=121
--------------	--------------------	---------------------

Ишқорий фосфатаза, бирл/л	240	231,13±2,71*↓
Кальций, мг/дл	2,0–3,0	1,95±0,03*↓
Эстрадиол, нмол/л	0,05–0,7	0,43±0,04↔
T-score	0,1–1,0	1,25±0,06*↑

Перименопаузал даврдаги аёлларда ишқорий фосфатаза миқдори референт кўрсаткичларга нисбатан паст ($P<0,05$), шунингдек, текширилганларда кальцийнинг даражаси ҳам референт кўрсаткичлардан фарқланиб, паст эканлиги аниқланди. Эстрадиол миқдори нормал референт кўрсаткичлар чегарасида бўлса, денситометрик кўрсаткич эса, юқори.

Тадқиқот натижалари таҳлили қон биокимёвий параметрлари (ишқорий фосфатаза, кальций)нинг қийматлари перименопауза давридаги аёлларда денситометрик параметрга (T-score) тескари пропорционал бўлганлигини кўрсатди. Бу мазкур параметрлардан текширилган аёл беморларнинг ушбу тоифасида организм ҳолатини баҳолаш белгиси сифатида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатади. Кейинчалик, ушбу кўрсаткичлар тадқиқот гуруҳлари бўйича таҳлил қилинди ва баҳоланди. Юқорида айтилганидек, гематологик параметрлар бўйича таққослаш гуруҳлари ўртасида ишончли фарқлар аниқланмади, биокимёвий кўрсаткичлар, эстрадиол ва денситометрик кўрсаткич – T-score миқдори бўйича 1-гуруҳ ва қолган икки гуруҳлар (2- ва 3-гуруҳ) ўртасида фарқ кузатилди. 1-гуруҳ аёлларида ишқорий фосфатаза миқдори референт қийматлар чегарасида бўлди ва улардан фарқ қилмади – мос равишда 240 бирл/л га қарши $241,53\pm2,46$ бирлик/л ($P>0,05$). Бошқа тадқиқот гуруҳларида мазкур параметрнинг концентрацияси нафақат референт қийматларга нисбатан, балки 1-гуруҳга нисбатан ишончли пасайди – мос равишда $241,53\pm2,46$ бирл/л ва 240 бирл/л га қарши $226,39\pm2,69$ бирл/л ва $225,47\pm2,97$ бирл/л ($P<0,05$).


